

YOSHLAR OVOZI

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

БУХОРО: ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, иқтисодий-ижтимоий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида 16 февраль кунини Бухоро вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 10-11 март кунлари вилоятга ташрифи чоғида барча соҳаларни ривожлантириш бўйича кенг қўламли режаларни белгилаб берган эди. Ушбу топшириқлар ижроси доирасида улкан ишлар амалга оширилди. Янги sanoat корхоналари, тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди.

Маҳаллийлаштириш даражаси ва экспорт ҳажми ошди. Транспорт ва сервис инфратузими ривожланиб, сайёҳлар оқими кўпайди. Қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмаган имкониятлар ишга солинди. Янги уй-жойлар, ижтимоий объектлар бунёд этилди.

Шавкат Мирзиёев Бухоро вилоятига ташрифини Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси зиёратидан бошлади.

Юртимиз қадимий қадамжоларга бой. Бу заминда буюк алломалар, диний ва дунёвий илм эгалари яшаб, ижод қилган. Президентимиз томонидан миллий маданий меросимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш, юртимиздаги тарихий обида ва ёдгорликларни тиклаш, ўрганиш ва келажак авлодларга етказиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 10 март кунини Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасида бўлиб, бу ерни янада обод масканга айлантириш, зиёратчилар учун зарур шароитлар яратиш борасида мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берган эди.

Президентимиз ўтган вақт мобайнида қилинган ишларни кўздан кечирди. Таомилга биноан ўтганлар руҳига Қурьон тиловат қилинди.

Президентимизнинг 2017 йил 11 июлдаги “Абдухлоқ Гиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши ижроси юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда. Шавкат Мирзиёевга мазкур саналар муносабати билан амалга оширилган маънавий-маърифий, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш бўйича “йўл харитаси” ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур тадбирларни юқори савияда ўтказиш, бунинг учун барча манбалардан фойдаланиш лозимлигини таъкидлади.

Баҳоуддин Нақшбанд, Абдухлоқ Гиждувоний, Ориф Ревгарий, Али Ромитаний, Бобойи Самосий, Маҳмуд

Фағнавий, Саййид Амир Кулол каби меъморий мажмуаларни ўз ичига олган етти пир зиёратгоҳи нафақат юртдошларимиз, балки бутун дунё мусулмонлари учун табаррук масканлар ҳисобланади.

Президентимизга мазкур мажмуаларни реконструкция қилиш ва янги сайёҳлик йўналишларини очиш бўйича қилинадиган ишлар ҳақида маълумот берилди. Унга мувофиқ, бу мажмуалар қайта таъмирланиб, қўшимча бино ва иншоотлар қурилади. Атрофи ободонлаштирилиб, меҳмонхона, чойхона, савдо мажмуалари, автотураргоҳлар барпо этилади.

Мазкур мажмуалар ўртасидаги умумий масофа 122 километр. Шавкат Мирзиёев мажмуалар орасидаги йўллар бўйида замонавий инфратузилма ташкил қилиш бўйича кўрсатма берди. Бухоро давлат университети хузурида Бухоро тарихини ўқитадиган махсус факультет очиш кераклигини таъкидлади.

— Етти пир этган қадамжолар орасидаги йўллар бўйида улар ҳақидаги маълумотлар акс этсин. Зиёратга келганлар кенг маълумотга эга бўлсин. Бунинг учун кадрлар тайёрлашга эътибор бериш керак, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари ташриф давомида Бухоро туманидаги “Бухоро балиқ sanoat” масъулияти чекланган жамиятида бўлди. Мамакатимизда аҳолининг балиқ маҳсулотларига эҳтиёжини таъминлаш, тармоқда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, мазкур соҳада фаолият юритаётган ҳўжаликлар моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кейинги йилларда озиқ-овдат хавфсизлигини таъминлаш, жумладан, сифатли балиқ маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш бўйича бир қанча дастурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 1 майдаги “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши ижроси юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Уюшма томонидан табиий ва сунъий сув ҳавзаларини балиқдонириш учун қимматли балиқ турларини кўпайтиришни йўлга қўйишда балиқчилик тармоғи ташкилотларига кўмаклашиш, личинка етиштириш бўйича янги инкубация цехлари ташкил этиш, балиқ чавоғи етиштириш ҳажмини кўпайтириш, чавоқ ҳовузларини модернизация қилиш ва кенгайтириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

(Давоми 2-санида)

» TASANNO!

КАМОЛ ЭТ КАСБКИМ...



“Бешиқдан қабргача илм изла”, — дейдилар. Мутолаа бобида беқиёс ибрат кўрсатиб, олти ёшида Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”дек салмоқли асарини ёд олган Навоийдек буюк аллома ҳам “Камол эт касбким, олам уйидин, Санга фарз ўлмағай гамнок чиқмоқ” дея инсонларни комилликка чорлагани бежиз эмас. Аёнки, камолотга элтувчи энг равон йўл мутолаа йўлидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизimini ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхоналик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс

чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори жамиятимизда ана шу эзгу йўлни янада мафтункор этгани сир эмас. Ёшларимизнинг китобга, билим эгаллашга муносабати ижобий томонга ўзгараётгани эса, шубҳасиз, энг катта ютуғимиздир. “Ёш китобхон” республика танловининг финал босқичи ҳам бу фикрни яққол тасдиқлади. Мазкур йирик лойиҳага 2017 йилнинг сентябрида старт берилган. У икки ёш тоифасида ўтказилиб, 230 минг нафарга яқин китобсеварни қамраб олди. Дастлабки финал беллашуви 14-19 ёшли ўқувчилар ўртасида ўтказилди. Билимдонлик баҳсида Қорақалпоғистон Республикаси,

вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сараланган жами 14 нафар ийигит-қиз иштирок этди. Улар “Маънавий-маърифий китоблар билимдони”, “Бадий китоблар билимдони”, “Мен севган адиб” ва “Шерият” шартлари бўйича ўз иқтидорини намоён этди. Яқиний натижаларга кўра, барча топшириқларни аъло даражада бажарган самарқандлик Моҳинисо Шомуродова “Ёш китобхон” республика танловининг ғолиби бўлди. Унга Президент совғаси — “Spark” автомобили топширилди. Хоразмлик Умиджон Қутлимуродовга иккинчи ўрин насиб этган бўлса, учинчи ўринни бухоролик Нодир Муродилоев қўлга киритди.

Ж.ЭРКИНОВ

БОЙ ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон — Россия II ёшлар форуми иштирокчилари қўҳна ва боқий Бухоро шаҳрида ўз ишини давом эттирди. Дастлаб меҳмонлар Ёшлар маркази фаолияти билан танишди. Шу жойнинг ўзига марказдаги тўғарақлар аъзолари билан давра суҳбати ташкил этилди. Ёшлар ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, ўзаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, туризмга доир қўшма лойиҳаларни

анъаналар руҳида тарбияланаётгани, айниса, эътиборлидир. Институтимизда ўзбекистонлик талабалар кўп. Улар жуда интилувчан йигит-қизлардир. Давра суҳбати якунлангач, делегация аъзолари рус фольклори намуналаридан тuzилган концертдан баҳраманд бўлди. Шаҳарнинг тарихий қисмига уюштирилган саёҳат россияликларда катта таассурот қолдири. Кейин меҳмонлар Самарқандга йўл олди.

кечирди. Самарқанд шаҳридаги “Китоб олами” савдо мажмуасига келган делегация “Буюк мерос” кўрик-танловининг устидан чиқди. — Мамакатингиз ҳақида кўп эшитганим, — дейди Россия ёшлар иттифоқи лойиҳа раҳбари Светлана Скорикова. — Ва ниҳоят, Ўзбекистонга келдим. Бу юрт мени лол қолдирди. Форумдек лойиҳалар тез-тез ташкил этилишини истардим. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида ўтказилган давра суҳбати ёшлар туризмининг ривожлантириш истиқболларига бағишланди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи хузуридаги Ёшлар туризми агентлиги ҳамда Россия Федерациясининг Волгоград шаҳри маъмурияти Ёшлар сиёсати ва туризм масалалари қўмитаси ўртасида сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланди.

Тадбирдан сўнг форум иштирокчилари “JV ManAuto-Uzbekistan” қўшма корхонасида бўлиб, бу ерда меҳнат қилаётган ёш мутахассислар билан соҳа фаолиятини ривожлантириш бўйича фикр алмашди.

Мухбирларимиз



амалга ошириш, икки давлат талабалари учун бизнес-инкубаторини ташкил этиш бўйича таклифлар ўртага ташланди. — Ўзбекистон ёшларига давлат томонидан қаратилаётган эътиборни кўриб ҳавасим келди, — дейди Москва авиация институти ўқитувчиси Татьяна Романишина. — Уларнинг миллий

Улар “Кониғил Мерос” корхонасида дунёга машҳур Самарқанд қоғози ишлаб чиқариш жараёни билан танишди. “СамАнтепГилам” заводига саёҳат ҳам эса қоларли бўлди. Шунингдек, форум қатнашчилари Амир Темур мақбарасини зиёрат қилиб, Регистон мажмуасидаги тарихий қадамжоларни кўздан

» ESHITDINGIZMI?

МАСЛАҲАТНИ МАСОҲАДАН ОЛАСИЗ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасида “Онлайн маслаҳатчи” модули синовдан ўтказилляпти. Эндликда мурожаат этувчилар керакли соҳа ва тармоқ мутахассислари билан боғланиши ҳамда ўз саволларига жавоб олиши мумкин.

ТАРБИЯЧИЛАР ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ БЎЛАДИ

Янги ўқув йилидан бошлаб юртимизда мактабгача таълим йўналиши бўйича уч йиллик бакалаврият таълими жорий қилинади. Бунда Жанубий Корея тажрибасидан фойдаланиш кўзда тутилган. Эслатиб ўтаимиз, ҳозир боғчаларда фаолият кўрсатаётган 60 минг тарбиячининг атиги 21 фоизи олий маълумотли.



ХИВА ХОНЛИГИ КАНЦЕЛЯРИЯСИ



ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси” дастури рўйхатига киритилди

Нодир жамланмадан хонлик даврида юритилган ҳўжатларнинг асл нусхалари ўрин олган.

Ҳозир у Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланмоқда.

Ўзбекистондан Европага 5 МИММИОН ДОЛМАРЛИК ҚОВУНЛАР БОРАДИ

Вакилларимиз Германияда ўтказилган “Fruit Logistica” халқаро кўргазмасидан ана шундай натижа билан қайтди. Эътиборлиси, энди тилчи ёрувчи неъматларимиздан нафақат Болтиқбўйи мамлакатлари, балки Германия, Франция, Бельгия фуқаролари ҳам баҳраманд бўлиши мумкин.



Ўз ахборотимиз

БУХОРО: ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

(Бошланиши 1-саҳифада)

"Бухоро балиқ саноат" масъулияти чекланган жамиятида ҳам бу борада ибратли ишлар қилинмоқда. Бу ерда балиқни қайта ишлаш, дудлаш, балиқ озуқаси ишлаб чиқариш, инкубация ихси ва ёпиқ сув айланма тизими ишга туширилган.

Умумий майдони 90 гектар бўлган ҳудудда 40 гектарлик сув ҳавзаси бўлиб, янги лойиҳага кўра, қолган 50 гектари реконструкция қилинади.

Президентимиз балиқчилик ҳўжалигида амалга оширилаётган ишлар билан танишади.

— Балиқ етиштириш ҳўжамини оширишимиз керак, — дейди Шавкат Мирзиёев. — Айти пайтда аҳолининг балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган талабини қондари олаётганимиз йўқ. Бу каби ҳўжаликлари Бухоронинг ҳар бир туманида ташкил қилиш зарур.

Давлатимиз раҳбари Бухоро туманига ташрифидавомида бир қатор иқтисодий лойиҳалар билан ҳам танишади.

— Балиқ етиштириш ҳўжамини оширишимиз керак, — дейди Шавкат Мирзиёев. — Айти пайтда аҳолининг балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган талабини қондари олаётганимиз йўқ. Бу каби ҳўжаликлари Бухоронинг ҳар бир туманида ташкил қилиш зарур.

Мавзуларга кўра, собиқ "Бухоротекс" АЖ негизда пахта толасидан компакт ип-калава ишлаб чиқариш бўйича "Indorama Bukhara Textile" хусусий корхонасини ташкил этиш лойиҳаси икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда 60 миллион, иккинчи босқичда 55 миллион доллар миқдоридаги инвестиция киритилади дегани билан замонавий технологиялар билан жиҳозланади. Бу 650 кишининг бандлигини таъминлаш имконини беради.

Президентимизга Бухоро вилоятида мавжуд йилонлардан самарали фойдаланиш тўғрисида ҳам маълумот берилди. Ушбу маълумот ўз-ўзидан вилоятда қоракўлчиликни ривожлантириш лойиҳасига уланди. Вилоятда азалдан қоракўлчилик ривожланган. Лекин сўнгги йилларда соҳага етарлича эътибор берилмагани сабабли қоракўл тери ишлаб чиқариш кескин пасайди. Соҳадаги мавжуд муаммолар ҳақида батафсил маълумот берилар экан, илмий ёндашувнинг йўқлиги боис кўйларнинг насли бузилгани қайд этиб ўтилди. Бундан ташқари, йилонларнинг қўқариши, сўғориш тизимларидаги камчиликлар, зарур техника воситалари йўқлиги асосий омиллар сифатида санаб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари муаммоларнинг ечимини билан қизиқди. Мутахассислар қоракўлчиликни ривожлантириш бўйича ўз тақлифларини айтди.

Шавкат Мирзиёев айти пайтда фаолият юритаётган ҳўжалиқлар, олимлар, селекционерларни қўллаб-қувватлаш бўйича соҳа раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берди.

Шу ерда "Komteks rpush" МЧЖ томонидан қўй жинини саноат усулида қайта ишлаш кластери тақдимоти бўлиб ўтди. Лойиҳа қиймати 24 миллиард сўм бўлиб, йилига

1500 тонна тозаланган жун, 425 тонна тайёр ип-калава, 100 минг дона одеял ишлаб чиқаришни кўзда tutади.

Шунингдек, 2018 йилда вилоятда амалга оширилаётган паррандачилик лойиҳалари тўғрисидаги маълумот тақдим қилинди. Бу йўналишда 32 та лойиҳа амалга оширилиб, 252 иш ўрни яратилди.

Лойиҳалар асосан қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, истиқболли мақсадларни ўзига акс эттиргани билан аҳамиятлидир. Пилда етиштириш, асаларичилик, насли эчки боқишга ихтисослашган эчкичилик комплекси, замонавий иссиқхоналар, агросаноат логистикаси ва савадо логистикаси марказлари ташкил этиш лойиҳалари асосий эътиборга бўлди.

Лойиҳа ташаббускорлари ўз режалари ҳақида батафсил сўзлади. Ўз навбатида, давлатимиз раҳбари уларни қийнаётган муаммолар билан қизиқди.

Ғижувон туманида тут баргидан чай тайёрлаш лойиҳаси Президентимиз эътиборини тортиди. Бундай чойнинг афзалликлари унда кофеин ва танин моддаси йўқлигидадир.

— Бу энг самарали ишлаб чиқариш лойиҳаси бўлади, — дейди Шавкат Мирзиёев. — Сабаби, унинг ноёблиги ва инсон саломатлиги учун фойдалидир.

Лойиҳа бўйича ишлар бошлаб юборилган. Маҳсулот 2019 йилдан экспортга чиқарилиши мўлжалланмоқда.

Шистанхе ва исирик етиштиришга алоҳида эътибор берилгани вилоятда ўзига хос янгилик бўлди.

Шистанхе илдизи доривор ҳасилбонлиб, хавфли ўсма касалликларнинг олдини олади. Шамоллашга қарши, иммунитетни оширувчи хусусиятга эга. Япониялик олимларнинг тақиқлашча, бу ўсимлик женьшендан беш баробар самарали ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Қозғистон Марказий Осиёда бу ўсимликни экспорт қилувчи ягона давлат бўлиб, йилига 100-150 тоннагача хорижга сотади. Янги лойиҳада мазкур ўсимликни етиштириш ва қайта ишлаш кўзда тутилган. 3 минг гектар ерда шундай ўсимлик етиштириш 400 кишининг бандлигини таъминлайди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарига 2018-2020 йилларда вилоятда ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш дастури, Бухоро шаҳрида реконструкция қилинаётган каналлар ҳақида маълумот берилди.

Президентимизнинг 2017 йил 1 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини Бухоро вилоятида бажариш чоралари тўғрисида ҳам сўзлаб берилди. Жумладан, аҳолига сифатли гўшт етказиб бериш, чорвачиликда қўлланиладиган вакцина ва антибиотиклар, ҳайвонларни сотиш, сотиб олиш ва ўзаро айирбошлашда соғлом ва

ишончли муҳит яратиш масалалари хусусида фикр алмашилди.

Шавкат Мирзиёев лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича мутахассисларга тегишли кўрсатмалар берди.

Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, болаларни мактабга сифатли тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Шавкат Мирзиёев ҳуудларга ташрифидавомида бундай муассасаларда бўлиб, муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш юзасидан тегишли топшириқлар берди.

Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрдаги "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида мамлакатимизда бундай муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги боғчалар қуриш ишлари амалга оширишмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизимини бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан эса Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди.

Янги вазирликнинг асосий вазифалари босқичма-босқич барча болаларни мактабгача таълим тизимига қамраб олиш, юртимизда ўзаро рақобат қилувчи давлат ва нодавлат МТМлари тармогини яратиш, мактабгача таълим ва болаларни тарбиялашнинг муқобил шаклларини амалиётга жорий этишдан иборат.

Мазкур ҳужжатлар ижроси юзасидан Бухоро вилоятида ҳам кенг қўлламини ишлар амалга оширилмоқда. Айти пайтда вилоятда 343 мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларнинг 7 таси нодавлат, 1 таси ички ишлар бошқармаси тасарруфиди. Уларда 46 мингдан зиёд, яни вилоятдаги болаларнинг 35,1 фоизи таълим-тарбия олмоқда.

Бухоро шаҳридаги 54-мактабгача таълим муассасаси 280 ўринга мўлжалланган. Боғча биноси ўтган йили капитал реконструкция қилиниб, замонавий жиҳозланди. Бу ерда 31 нафар педагог ва тарбиячи фаолият кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари боғчада болаларга яратилган шароитлар билан танишиш, ходимлар билан мулоқот қилди.

Президентимизга боғчада тажриба тарихисидида ташкил этилган қисқа муддатли бошланғич ривожлантириш маркази фаолияти ҳақида маълумот берилди. Янги тизимнинг афзаллиги қисқа муддатли гуруҳларда болаларга мантиқ, ментал арифметика, инглиз тили, амалий ва тасвирий санъат турлари интерфаол усулларда ўргатилади.

Марказ ҳудуддаги боғчага қамраб олинмаган болаларни мактабга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

— Мактабгача таълимга бежиз бунчалик эътибор қаратаётганимиз йўқ, — дейди

Шавкат Мирзиёев. — Болалар айти боғча ёшида билимини тез ва осон ўзлаштиради, бир умрга эслаб қолади. Шунинг учун ушбу тизим ривожини билан боғлиқ масалалар доим диққатимиз марказида бўлиши керак.

Президентимиз мазкур муассасани вилоятдаги боғчалар учун методик тажриба алмашиш марказига айлантириш, соҳани етук мутахассислар билан таъминлаш, хусусан, педагогика коллежини тугатган ёшларни қайта тайёрлов курсларига юбориб, уларни МТМларга ишга жойлаштириш юзасидан топшириқлар берди.

Шавкат Мирзиёев Бухоро шаҳрининг тарихий қисмида вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантириш концепцияси асосида амалга оширилаётган ишлар билан танишади.

Бухоро ўзининг бетакорр тарихий обидалари, осори-атқалари, асрлар оша давом этиб келаётган миллий хўнрмандлик аънагалари билан юртимиз туристик жозибдорлигини оширишда улкан салоҳиятга эга.

Вилоятда 2018 йилда туризм янада ривожлантириш концепцияси мувофиқ, 61 лойиҳага ҳаётга таъбиқ этиш кўзда тутилган. Жумладан, 32 меҳмонхона, 12 мотел, 10 истироҳат боғи барпо этилиб, "Бухоро Палас", "Варахша" ва "Зарафшон" меҳмонхоналари реконструкция қилинади.

Бундан ташқари, туризм бўйича халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, ресторанлар қуриш, сайёҳларга хизмат кўрсатувчи транспорт воситалари харид қилиш, маданий мерос объектларини тадбиркорларга ижарага бериш, ҳаво шарнида сайёҳли ташкил қилиш, Ғижувон, Шофиркон, Вобекент ва Жондор туманларида қишлоқ туризмининг йўлга қўйиш режалаштирилган.

Ушбу лойиҳалар ижроси натижасида вилоятда келаётган хорижий ва маҳаллий сайёҳлар оқимини сезиларли даражада қўлайлаштиришга эришиш мумкин. Тармоқда хизматлар экспорти ҳажми ортиб, қўллаб янги иш ўринлари ташкил этиш имконияти пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ўтган йилги ташрифидида Бухоро шаҳрининг сайёҳлик инфратузими асосида ривожлантириш мақсадида унинг тарихий қисмида хўнрмандлар мавзеси қуриш, Ҳақиқат ва Ҳўжа Нуробод кўчаларини кенгайтириш сайёҳга айлантириш, Пойи Калон ва Мир Араб мадрасаларини қайта таъмирлаш бўйича топшириқлар берган эди.

Шунга мувофиқ, Ҳақиқат кўчаси кенгайтирилиб, 1,5 метр қалинликдаги тупроқ қатлами олиб ташланди, тарихий обидалар атрофиди очилди. Кўча буйлаб биринчи қаватда дўкон ва устакхоналар бўлган, иккинчи қаватда хўнрмандлар оилалари яшайдиган уйлар қуришга киришилди. Натижада кўча

шаҳрининг тарихий қисмига монанд сайёҳга айланиб бормоқда. Вилоятга келаётган сайёҳлар бу ерга ҳам ташриф буюриб, устакхоналар иши билан таъмирлаш, ипподромлар, кашталар, зарбоф тўнлар, турли кийим-кечак, уй-рўзгор буюмлари, сувенирлар харид қилиб, Бухоронинг қадимий довларини дунёга янада кенг ёришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Жорий йилда Пойи Калон мажмуасидаги тарихий обидаларни таъмирдан чиқариш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилди. Ҳўжа Нуробод кўчасида жойлашган Абдулазизхон ва Улуғбек мадрасаларида таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилди. Арк қўрғони мажмуаси атрофиди ободонлаштирилиб, унинг ичкарисидида бино ва иншоотлар таъмирланди.

Мир Араб мадрасасини қайта тиклаш ва унинг янги ўқув биносини қуриш ишлари олиб борилди. Шу кўчаниннг ўзида хўнрмандлар растаси қурилади.

Шавкат Мирзиёев эски шаҳар қисмининг туризм инфратузими асосини ривожлантириш дастурлари билан танишар экан, ушбу ҳудуд том маънода Бухоронинг юрғи бўлиши кераклигини таққидлади.

Давлатимиз раҳбарига шаҳарнинг тарихий қисмидаги маданий мерос объектларини таъмирлаш ва тиклаш, улардан самарали фойдаланиш, тарихий обидаларни қамраб олган Бухоро шаҳар кичик ҳалқа йўли ҳамда пилдалар йўлакларни қуриш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини реконструкция қилиш, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан мамлакатимизда замонавий кинотеатрлар тармогини барпо этиш лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз ҳар бир лойиҳа юзасида ўз тақлиф ва тавсияларини берди. Мир Араб мадрасаси бино ва иншоотлари, туристларга хизмат кўрсатувчи автоуловлар, инфратузими объектларини кўздан кечирди.

Шу кун Пешку тумани ҳўкимиятида вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, тиңчилик ва осийшталликни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси ва уларни иш билан таъминлаш масалалари алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбарининг Бухоро вилоятига ташрифидида давомидида кўздан кечирилган истиқболли лойиҳалар, бўлиб ўтган ушбу ва суҳбатлар Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида янги марралар сари дадил қадамлар қўйилиб, аҳоли фаровончилигини оширишда муҳим утуқлар қўлга киритилаётганининг яна бир ёрқин тасдиғи бўлди.

Президентимизнинг Бухоро вилоятига ташрифидида давом этмоқда.

» AKSIYA

"ОРЗУ ДАРАХТИ" ЯРАТИЛДИ

Шоҳрух ИБОДУЛЛАЕВ

Ёшлар иттифоқи тизимига эълон қилинган "Буюк аждоғларимиз меросини ўраниш ойлғи" доирасида Бердақ номлидаги Қорақалпоқ давлат университетини талабалари Ҳўжаи туманидаги 1-Меҳрибонлик уйига хайрия акциясини ўтказди.

Бундан аввал Иттифоқнинг бошланғич ташкилоти фаоллари ташаббус қўрсатиб, болаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида таълим даргоҳида хайрия қўғиларини ўрнатганди. Йиғилган маблағ ҳисобига бадий китоблар ҳамда ўйинчоқлар харид қилинди.

Ташриф чоғида совгалар ўз эгаларига топширилди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари буюк алломалар ижодидан намуналар ўқиб, меҳмонларни хушнуд этди. Куй-қушиқ ва рақслар ижро этилди. Бир қанча қизиқарли интерфаол

ўйинлар ўтказилди. — "Келажақда ким бўлмоқчиси?" ўйини болажонларга, айниқса, манзур бўлди, — дейди

ўзбек филологияси факультетининг 1-босқич талабаси Назолат Шарифбоева. — Сабаби унда ўғил-қизлар орзу-мақсадларини баён этди. Биргаликада ажиб ва фусункор "орзу дарахти"ни яратди. Аксарият болалар шифокор ёки ҳарбий бўлиш истағида экан. Аммо биттасининг битиги эътиборимизни тортиди. У: "Келажақда БАХТЛИ бўлмоқчиман!", — деб ёзган. Шу галдан ниҳоятда таъсирландим. Акция давомида улашилган меҳр ва самимият болалар қалбиди узоқ вақт сақланиб қолишига умид қиламиз. Талаба-ёшларнинг бундай эзгу амаллари давом этди.



» YUKSALISH

ТАДБИРКОРЛАРГА КЎМАК

Шавкат КАРОМОВ

Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази Қашқадарё бўлинимаси очилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши вакиллари, тадбиркорлар ҳамда бизнесини энди йўлга қўяётган йигит-қизлар иштирок этди.

Янги тузила таркибида ҳар бир туман ва шаҳардан сараланган координаторлар фаолият олиб боради. Улар ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириб, бандлик масаласида яқиндан кўмаклашади. Шу билан бирга, марказ ходимлари ёш тадбиркорлар дуч келаётган муаммоларни бартараф этишга бош қўшади.

— Банкдан кредит


олиша қийналаётганим, — дейди шахрсабзлик Жаалолидин Сафаров. — Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази ёрдам беради. Ҳозир иссиқхона қуришни бошладим. Бу ерда бодринг, помидор ва турли гуларни етиштиришни режалаштирганман.

» OGOHLIK — DAVR TALABI

ТЎҒРИ ЙЎЛДАН АДАШМА!

Сумбулой НУРМЕТОВА

Ўрган шахридаги ёшлар марказига "Ғиёҳванглик — умр заволи" мавзуга марғубот тадбири ўтказилди.



Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши қошидаги "Саломатлик ва экология" кўнгилчалар гуруҳи

ташаббусига кўра амалга оширилган лойиҳа доирасида йигит-қизларга мавзу юзасидан

атроғлича маълумот берилди. Шу билан бирга, ғиёҳвандлик оқибатлари мавзуга онд иншо ва расмлар танлови ўтказилди. Биринчи йўналишда Юлдуз Ражабова, иккинчисиди Содоат Эшчонов ва Гюлиб деб топилди. Улар Иттифоқнинг вилоят кенгаши томонидан диплом ҳамда эсдалик совгалар билан тақдирланди. Яқунда "Икки йўл орасида" номли ҳўжжатли фильм намойиш этилди.

АНИҚ РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Б.АБДУЛҲОЛИҚОВ

Ғуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Шайхонтохур тумани кенгаши ҳамда Халқ депутатлари туман Кенгашининг қўшма йўғилиши бўлиб ўтди.

Унда ёшларга онд давлат сийсатининг ҳудуддаги ижроси таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, қандай туман кенгашига сайланган депутатлар ўз устаксидидаги ишсиз аҳоли, хусусан,

уюлмаган ёшлар, қолаверса, тарбияси оғир йигит-қизларни доимий назоратига олиб, бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказишда кўмаклашиши керак. Йиғилиш давомида одам савдосига қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам муҳокама қилиниб, бу борада аниқ режалар белғилаб олинди. Қатор масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

» TASHABBUS

БАРЧА ХИЗМАТЛАР БЕПУЛ

Мағтуна МИРЗАХЎЖАЕВА

Анджон шаҳрида "Intellect union" таълим маркази очилди. Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши қошида ташкил этилган муассасаниннг бош мақсади йигит-қизлар бўш вақтини мазмунли ўтказишга



қаратилган. Унда ёшлар беш йўғилиш бўйича бепул таълим олиш имконига эга.

— Тенгдошларимиз ўз талаб-истағига қараб журналистика, тадбиркорлик, санъат, тиббиётга доир билим олади, — дейди Иттифоқнинг ҳудудий кенгаши бўлими мудири Абдужалил Абдурахимов. — Барча

тўғаракларга малакали мутахассислар жалб қилинган. Шунингдек, қизиқувчилар "Ёш сийсатчилар" клубига аъзо бўлиши мумкин.

Яқинда марказ фаоллари иштирокида улғ аждодимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур ижодига бағишланган "Бир ҳикмат шарҳи" номли марғрифий тадбир ўтказилди.

YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

Сардор БЕЖОНОВ

ГАП ЕРДА ҚОЛИБ КЕТГАНИ ЙЎҚ

Халқни рози қилиш мушкул иш. Аммо астойдил ҳаракат қилинса, албатта, унуми бўлади. Давлат раҳбарининг ташаббус ва ғоялари, кўйинги, шахсий ибрати асосида бугун барча даражадаги амалдорлар элим деб яшашапти. Натижада, минг-минглаб эҳтиёжмандларнинг мушқули осон бўлаётди. Йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар ечимини топмоқда. Шундай бўлгач, одамлар ҳам давлатга кўпроқ ишона бошласа, не ажаб. Ахир, қарс икки қўлдан чиқади-ку.

Юртимиз аҳолисининг салмоқли қисми ёшлардан иборат. Турган гапки, улар билан боғлиқ масалаю мушқуллар ҳам етарли. Аммо бу табиий ҳол экан, дея қўл қовуштириб ўтириш ярамайди. Фақат ўзимизга жабр қилган бўлаемиз. Шу боис мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи энг йирик ва таянч жамоат ташкилоти — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи жорий йилдан халқ билан бирга бўлиш, дарду ташвишларини билан кўриш тактикасини танлаган.

Биргина мисол, охириги икки ой мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қўрамон Қўраббаев водий вилоятларининг учта туманини маҳаллама-маҳалла кезиб чиқди. Хонадонларга кириб, аҳолидан ҳол-аҳвол сўради, қандай шароитда яша-

ётганини кўрди.

Сайёр ўрганишлар биринчи бўлиб Андижоннинг Пахтаободидан бошланганини ҳам айтиб қўяйлик. Мақсад мазкур минтақани республикада намунали худудга айлантиришдан иборат. Айтишга осон. Амалда эса, улкан ва машаққатли йўлни босиб ўтмоққа тўғри келади. Ҳарқалай, илк қадамлар ташланган.

Хуллас, олис туманга амалий ташрифдан сўнг фуқаролар кўнгли кўтарилиши рост. Тўғри, ҳал этилган масалалар, асосан, маиший характерга эга. Бироқ кечаю кундуз хонадонда чироқ ёнмагани бос, қалби ҳам ёришмайди, ёмғир ёғса тиззасига гача лойга ботади, қишнинг аёзидан рўзгорга кўмир етказолмай, исинишга шароити йўқ, кўчалари тошлоқ бўлгани сабаб неча километрлаб йўлни пиёда босиб ўтишга мажбур қишлоқнинг хокисор одамлари учун бу катта гап.

Пахтаободдаги аҳволни



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси бошчилигидаги ишчи гуруҳ ўрганиб кетгач, бироз муддат ўтиб, яна ўша маҳаллаларга қайтдик. Халқ билан юзма-юз кўришиб, илгари аниқланган муammo ва камчиликлар нечоғлиқ бартараф этилганини билишга ошқидик. Буни қарангки, ҳар қайси маҳалла ўзига яраша йўл харитасини ишлаб чиқиб, рўёбга чиқараётган экан. Бизни, табиийки, самара қизиқтирди. Мисоллар

кўп. Айримлари билан ўртоқлашамиз.

Яқингача “Қўқонқишлоқ” маҳалла фуқаролар йиғини идорасининг моддий-техник таъминоти бироз ночор эди. Ёшлар иттифоқи амалий ёрдам кўрсатиб, янги принтер ва этилганни билишга ошқидик. Буни қарангки, ҳар қайси маҳалла ўзига яраша йўл харитасини ишлаб чиқиб, рўёбга чиқараётган экан. Бизни, табиийки, самара қизиқтирди. Мисоллар



Тўғри, ҳал этилган масалалар, асосан, маиший характерга эга. Бироқ кечаю кундуз хонадонда чироқ ёнмагани бос, қалби ҳам ёришмайди, ёмғир ёғса тиззасига гача лойга ботади, қишнинг аёзидан рўзгорга кўмир етказолмай, исинишга шароити йўқ, кўчалари тошлоқ бўлгани сабаб неча километрлаб йўлни пиёда босиб ўтишга мажбур қишлоқнинг хокисор одамлари учун шу ҳам катта гап.

Хонадонига газ баллони етказилиб, оиласидан ажралиш арафасида турган қизининг турмуши тикланди. Шуниси ҳам қувонарлики, ўтган бир ой мобайнида “Қўқонқишлоқ” да йигитлар ўртасида футбол, аёллар учун эса, баскетбол мусобақаси ҳам ўтказилган.

Бир неча ҳафта олдин “Машъал” маҳалласи кўчаларидан деярли юриб бўлмасди. Тўпроқли йўлу йўлакларни кўриб, маҳаллий аҳолига ачи-

ниб кетардингиз. Эндиги ҳолат ўзгача. Ички кўчалар асфальтланмоқда. Муҳтожларга ижтимоий ёрдам пули ажратилапти. Аҳоли газ ва кўмир билан тўлиқ таъминланган. Шунингдек, ичимлик суви билан боғлиқ муammo ҳал этилган.

“Санраобод” маҳалласида ички йўллар таъмирланиши баробарида “Ёшлар кутубхонаси”нинг ҳам ташкил этилгани бизни беҳад қувонтирди. Эҳтиёжмандларга ижтимоий ёрдам

кўрсатилмоқда. Қолаверса, кам таъминланган оилааларга газ баллони ва имтиёзли кўмир етказиб берилган.

“Қашқар” маҳалласида ҳам шундай ўзгаришлар кўзга ташланди. “Муаззимбой” маҳалла фуқаролар йиғинида эса, ишиз фуқароларнинг мурожаати туман бандликка кўмаклашиш маркази кўмагида қондириладиган гувоҳ бўлди. Шундай хайрли ишлар давом этмоқда.

ОШИҚ МУЛОҚОТ

Равшана КУРЯЗОВА

“БИРИНЧИ ХАРИДОР ЎЗИМ БЎЛАМАН!”

Хоразм вилояти ҳоқими Илгизар Собиров воҳа ёшлари билан очиқ мулоқот ўтказди.

Раҳбар бу сафар йигит-қизлардан ўз муаммосини айтиш билан чекланмай, уни ҳал этиш бўйича амалий таклифлар беришни ҳам сўради. Айниқса, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагидаги тенгдошларимизнинг илғор ташаббуслари алоҳида эътиборга олинди.

И.Собиров ёшлар масаласига масъул мутаассадилар олдиға ҳам аниқ талаблар қўйди.

— Бажарамиз, деб қутулманг! Менга у ёки бу масалани қанча муддатда



бажара олишингизни айтинг, — деди ҳоқим. — Шу юрт фарзандлари барчамизники. Демак, муammo-сига ҳам бефарқ қарашға ҳаққимиз йўқ!

Тадбир давомида ёшларнинг кўплаб мурожаатлари тингланди. Турган туманидан келган Меҳрибон Уразбоева II гуруҳ ноирони бўлишиға қарамай, тикувчилик билан шуғулланади. Энди шахсий бизнесини бошламоқчи. Бунинг учун 10

миллион сўм миқдоридан кредит олишға эҳтиёжи бор. Вилоят ҳоқими бу қизға ҳатто 20 миллион сўм маблағ топиб беришға таяёр эканини айтди. Шунингдек: “Маҳсулотингизнинг биринчи харидори шахсан ўзим бўламан”, — дея қўшимча қилиб ҳам қўйди.

Икки соатдан ортиқ давом этган мулоқот чоғида 40 нафардан зиёд ёшнинг муаммоси жойида ҳал этилди, бошқа масала-

лар учун тегишли муддат белгиланди.

Шахсий бизнесини бошлаш ёки кенгайтириш, фермерлик фаолиятини олиб бориш, ҳудудда чорвачиликни ривожлантириш, курилиш материаллари ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришға чоғланган ёшларнинг таклиф-истаклари Ёшлар иттифоқи вакиллари томонидан ёзиб олинди. Энди уларға кўмаклашиш юзасидан амалий чоралар кўрилади.

SUHBATDOSH

Халқимиз азалдан отни қадрлаб, ҳамиша меҳр билан қараган. Шу сабабли халқ оғзаки ижоди қаҳрамонлари билан ёнма-ён тарзда Бойчибор, Ғирот каби тулпорлар мадҳ этилади. Бугунги чавандоз ва отларнинг довуғи ўша қаҳрамонларникидан кам эмас. Юртимизда от спорти ривожланиш палласига кирди. Соҳада эришилаётган ютуқлар, мавжуд муаммолар хусусида Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси матбуот котиби Анвар Суюн билан суҳбатлашдик.

“САМОВИЙ ТУЛПОР”ЛАР ЙЎҚОЛИБ КЕТМАГАН

— Анвар ака, ёшларимиз от спортига қизиқяптими?

— Қизиқувчилар оз эмас. Терма жамоамиз таркибига асосан 16-30 ёшли спортчилар кирган. Улар салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда. Яқинда Германияда бўлиб ўтган туслиқлардан от сакратиш бўйича жаҳон кубоғи баҳсларида вакилимиз Нуржон Жокбоев муваффақиятли иштирок этди. Аввалроқ у икки марта олтин медалға сазовор бўлган. Бундан ташқари, ўтган йили Таиланда болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган иккинчи Осиё чемпионатидан Сайидамирхон Турғунбоев кумуш медал билан қайтган эди. Жорий йилда Аргентинада бўлиб ўтадиган ўсмирлар ўртасидаги Олимпиада уйинларида Ватанимиз шарафини Алишукор Собиржонов ҳимоя қилади. Бу спортчилар ҳам умидимиз катта.

— Аввалги йилларда ҳам шундай натижалар қўлга киритилганми?

— Мана буниси оғриқли савол. Сўнгги вақтда от спортига эътибор сусайиб қолган. Шу тўғрисида жаҳон аренасида ўзимизни муносиб намоён эта олмадик. 2017 йил 15 июнда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришға доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган, соҳада жонланиш бошланди.

— Бундан чиқди, муаммолар етарли.

— Ҳа. Масалан, от спортида “Устоз-шогирда” аънаси йўқолган. Яхши мураббийлар бор. Лекин катта майдон кўрган чавандозларнинг ҳам тажрибасидан унумли фойдаланиш керак. Шу жойда яна бир муammo келиб чиқмоқда. Гап шундаки, моҳир чавандозларимизнинг ёши анчага бориб қолган. Улар билан ҳозирги авлод ўртасида уттиз йиллик фарқ бор. Бундай ҳолат



хоҳлаймизми-йўқми машғулотлар сифатиға таъсир кўрсатади.

— Ечим борми?

— Бир пайтлар юртимизда Мамажон Исмоилов, Владимир Шумелёвдек номдор чемпионлар етишиб чиққан. Ҳозир кўпгина шогирдлари чет элда, баъзилари хусусий отхоналарда ишламоқда. Уларни соҳаға жалб қилсак бўлади. Қолаверса, устоз чавандозларнинг назарий мактабларини яратиш, ўқув қўлланмаларини чоп этиш керак.

— От спорти, айтилаик, бокс ёки футболчалар оғир бўлмас керак.

— Янгилигингиз. Таассуфки, халқимизда от спортиға юзаки қараш бор. Аслида камчида беш йил давомида ўзи устида тинимсиз ишлаган одам чавандоз бўлиб

етиша олади. Аммо баъзи ёшлар машғулота бир кун келса, эртасига кўринмайди.

— Нера?

— Сабаби оддий: аввалиға мураббий болани отға миндириб етишиб чиққан. Ҳозир кўпгина шогирдлари чет элда, баъзилари хусусий отхоналарда ишламоқда. Уларни соҳаға жалб қилсак бўлади. Қолаверса, устоз чавандозларнинг назарий мактабларини яратиш, ўқув қўлланмаларини чоп этиш керак.

— От спорти, айтилаик, бокс ёки футболчалар оғир бўлмас керак.

— Ёшларни от спортиға жалб этиш мақсадида яна қандай ишлар қилинмоқда?

— Президентимизнинг юқоридаги қарориға асосан, от

абзалларини ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Ҳозирча улар хориждан олиб келинмоқда. Тадбиркор ва хунармандларға спорт отлари учун эгар-абзал таяёрлашни тавсия этияпти. Қолаверса, Тошкент вилоятида “Ўзбек спорт отлари” заводини қуриш бошланган.

— Спортчи отлар ҳам четдан келтириладими?

— Ҳа, асосан, Германиядан.

— Ўзимизнинг қорабайрлар-чи?

— Қорабайр ўзидан баланаға сакраса, “қаноти” чиқиб кетиши мумкин. Шунинг учун бу отларнинг бўйини ўстириш керак. Умуман олганда, қорабайрларни зот сифатида такомиллаштиришға эҳтиёж бор. Бу эса, илм талаб қилади. Президентимиз такрор-такрор айтаяпти-ку, китоб ўқинглар, ўз соҳаларингизни мукаммал билинглар, деб. От спортида ҳам шундай.

— Демак, ҳақиқий қорабайрлар қолмади, деган гап тўғри экан-да?

— Йўқ. Ҳам тоза зотли, ҳам тоза қонли қорабайр отларимиз бор. Мен зотни замон талабиға мослаб ривожлантириш ҳақида гапиряпман, ҳолос.

— Унда тоза қонли билан тоза зотли отнинг фарқи нимада?

— Тоза қонли отнинг ҳамма аждодлари бир зотдан бўлади. Тоза зотлида эса, бошқа битта зот аралашади. Аслида дунё йилқичилигида икки хил: тарихий ҳамда селекция йўли билан яратилган зотлар мавжуд. Қорабайр биринчи тоифаға мансуб. Унинг генлари 3-3,5 минг ёшда. Бу илмий исботланган факт.

Яна бир жиҳатта эътиборингизни қаратмоқчиман: тарихий зотли отлар кўп қиррали бўлади. Селекция йўли билан ҳосил қилинганларда эса, ундай эмас. Масалан, Орлов йўртқоқиси фақат лўкилаб юради. Владимир зоти юк ташинишға мослашган ва ҳожазо.

Биласизми, йилқичилик илмини мукаммал эгаллаган халқларнинг отларигина серқирра характерга эга. Бундай халқлар бармоқ билан санарли: қадимги мисрликлар, ҳиндлар ва биз. Хулоса шуки, гипнолог (отшўнос) боболаримиз ҳозирги академиклардан ҳам улўғ мартабаға эришган. Хитойликлар минг йиллар давомида қорабайрларға ишқибоз бўлиб, уларни “самовий тулпорлар”, деб атагани ҳам бежиз эмас.

“Ўзбек от спорти” заводи фойдаланишға топширилса, тез орада “самовий отлар” имиз билан жаҳон ареналарини забт этамиз. Бунинг учун барча имкониятимиз бор.

Боборован ҒОЗИДДИНОВ
суҳбатлашди.

MULOHAZA UCHUN MAVZU

ШОҲИДБЕК

ҚАДАМИНГНИ ЎЙЛАБ БОС
ТОКИ КЕЙИН БЎЛМА ПУШАЙМОН

Чамаси ўн беш йиллар аввал яқин қариндошимиз моддий етишмовчилик сабаб анча қийналиб қолганига гувоҳ бўлганман. Ўша пайтда бола эдим, кўп нарсага ақлим етмасди. Улғайгач, ҳаммаси ойдинлашди. Дунёда она қанчалик мўътабар зот экани, бу нозик хилқатда тоғни талқон этгулик сабарбардош жамланганини тушуниб етдим.

қилса, кўпинча ёш болалари бор, деб уни чақирмасди. Бундай муносабатдан онаизор кўп оғринган, албатта. Ҳозир шуларни эсласам: "Ахир, муқаддас китобларда фарзанд ўз ризқ-насибаси билан яратилади, дейилган-ку! Наҳот, баъзи одамлар буни англаб етолмас даражада ношуд бўлса", — дейман ўзимга-ўзим.

Хуллас, қариндошимиз фарзандлари учун жон куйдириб, роса елиб-югурди. Катта, кичикми, қандай юмуш бўлишидан қатъи назар, қилди. Ҳалол меҳнат билан ризқ-насиб топи. Кунлар кетидан кунлар, йиллар кетидан йиллар ўтиб, азаматлар катта бўлиб, онасининг дастёрига айланди.


Оиланинг бир фарзанди менинг тенгқурим. Яқинда дўстимни йўқлаб, уйига меҳмон бўлиб бордим. Қишки таътил пайти эди. Сўхбат шу мавзудан бошланди-ю, кейин болалик ва ўсирилик хотираларига улашиб кетди. Табиийки,

қийинчилик пайтларини ҳам эсладик. Онаси ўтмишни эслаб, дили ёрилиб, анча гапирди:

— Рўзгорни тебратмасам бўлмасди: девор уриш учун туяроқ ташиб лой қордим, нон ёпиш учун бепоён далалардан бугдой бошоқларини, ош қилиш учун эса, шол бошоқларини теришга тўғри келди. Бировларнинг уй юмушларини ҳам

қилиб берардим, ерини чопиб, бегона ўтлардан тозалардим. Лекин асло ноилганим йўқ. Фарзандларимга фақат ҳалол лўқма елардим. Ахир, улар менинг ҳаётим. Аллоҳ менга фарзанд ато этмаганида бир умрлик азобга гирифтор бўлишим аниқ эди. Оғир турмуш шароитида ўтган ўн беш йил умр бўйи тирноққа зор бўлиб яшаш олдиди нима бўлибди!

Ўша пайтда "болаларингни бошқа оилаларга бер ёки етихонага топшир", деганлар бўлди... Жуда ранжиганман. Аммо ёруғ келажакка ишонардим. Яратганга беадад шукрки, ҳозир фарзандларим роҳатини кўряпман. Катта ўғлим қурувчи, дў-



стинг бўлажак педагог, кенжа азаматларимнинг ҳам мақсади аниқ: бири саргарош, бошқиси фермер бўлмоқчи. Ҳаммаси баҳоли қудрат эл қорига ярамоққа интиляпти. Ҳаёт йўлининг баланд-пасталари кўп. Машаққатларни енгиб ўтиш керак. Сабрнинг тағи сариқ олтин экани рост.

Бугунги замонга боқаман. Боласини арзимас баҳона билан ташлаб кетаётган ёки пуллаб юбораётган кимсалар ҳақида эшитганда юрагим эзилади. Одамларни нима жин урган ўзи?! Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса,

ўн беши ёруғ-ку. Фақат озроқ қаноат қилинса, бас. Ҳаётда ҳеч нарса жавобсиз қолмайди. Қадамини ўйлаб босмаганинг ҳолига вой!

Дўстимнинг уйдан паришон ҳолда чиқдим. Болалигим кўз олдида қайта гавдаланди. Ҳаёлимда яна жавобсиз савол айланди: "Ёш ота-оналарга сабрли бўлиш шунчалик қийинми?"

Азиз тенгдошим, замондошим, жиддий ўйлаб кўринг, бугун меҳрингиздан мосуво бўлаётган гудак эртага сиздан рози бўлармикан?..

MENING FIKRIM

Отабек БАКИРОВ

Бир телефонга — бир ўлим(ми)?

Нафиса бир ҳафта мактабга келмади. Қаттиқ бетон бўлиб, шифохонада даволанибди. Дарсга келган кунни барча аҳволини сўради. "Телефонимни йўқотиб қўйдим, — деди-ю йиғлаб юборди. — Аттанг, жуда қиммат турарди". Синфдошлар энди Нафисанинг соғлиғи эмас, телефони йўқолгани учун кайғура бошлади.

Мажлислар залида йиғилиш ўтказилди. Телефонини йўқотган ўқувчи ўз жонига қас қилишга урингани айтиди. Кўплар учун бу ҳодисанинг тафсилотлари мавҳум бўлиб қолди, ҳамма ўша "қаҳрамон"-га қизиқарди.

Баъзи ота-оналар фарзандига қиммат телефон олиб беради. Савилнинг нархи кимнингдир бир ойлик, бошқа бировнинг уч ойлик маошига тенг келар. Йўқолиб қолса, катта жанжал қилиши тайин! Нафиса ҳам ота-онасининг қаҳридан кўриб, жонига қас қилишга уринган.

Наҳотки, бир матоҳ инсон ҳаётидан устун турса?! Бугун бундай ҳолатлар янгилик бўлмай қолди. Шифокорлар кўмаги билан Нафиса тузалиб кетди, бироқ унинг ичиди қандай галаён кўпчилиги бизга сир.

"Бир телефонга — бир ўлим" қабилида иш тутиш қанчалар даҳшатли-я! Шунинг баробарида кулгили ҳам. Фикримча, ҳаёт бебаҳо неъмат. Уни қадрлаш керак. Қўйингки, бу оламда телефонсиз ҳам яшаса бўлади.

ASLIYATDAN TARJIMA

Заҳарли мева (эртақ)

Ҳинд тилидан Паризод КҮЧИМОВА таржимаси.

Бир қишлоқ яқинида катта дарахт ўсар эди. Шохларида фарқ пишган мевалар доимо осилиб турар, кўрган одамда уларни ейиш иштиёқи пайдо бўларди.

табди. Йўловчилар дарахтнинг соясида бироз дам олмақчи бўлибди. Ҳамманинг кўзи дарахтда осилиб турган чиройли меваларга тушибди. Иштаҳаси очилиб, бир зумда мевалардан териб олишибди. Лекин уларни ҳордиқ чиқариб олгач ёмоқчи бўлиб, уйқуга кетишибди.

Бирмунча вақтдан сўнг тужжорлар уйғониб, меваларни ёмоққа шайланибди. Ажали етмаган одам ўлмас экан... Савдогарлар лўқмани энди оғзига солмоқчи бўлганида узоқдан от чоптириб келаятган суворийни кўрибди. Отлик жон ҳолатда бақириб юборибди. Барчанинг қападаги учиб, нима гапчилиги билишга ошиқибди.

— Бу мевалар заҳарли. Есангиз, ҳаммангиз тил тортмай уласиз, — дебди суворий. Шунда даврандан бир киши чиқиб сабабини сўради.

Суворий дебди: — Бу дарахтнинг меваси сира тугамайди. Хўш, нега? Агар ҳосили заҳарли бўлмаганида қишлоқ аҳлидан қолармиди? Буни ўзингиз ҳам фаҳмласангиз бўларди!

Савдогарлар суворийга қараб: — Жонимизни сақлаб қолдингиз. Сиздан беҳад миннатдоримиз, — дебди.

— Раҳмат деган билан иш битмайди. Бу дарахт яна қанчадан-қанча одамларнинг ҳаётига зомин бўлиши мумкин. Шунинг учун уни кесиб ташлашимиз керак, — жавоб берибди суворий.

Шундан сўнг улар бир-галалиб, дарахтни илаизи билан кўпориб ташлабди. Суворийнинг донолиги сабабли йўловчилар омон қолган экан.



Бирок мевалар заҳарли эди. Татиб кўрган одам шу заҳотиёқ ҳушидан кетиб йиқилар ёки ўларди. Қишлоқ аҳли бундан хабардорлиги учун меваларга тегмасди. Билмаган йўловчилар эса, табиийки, заҳарли ўлжа "қурбони"га айланарди. Қишлоқда тўрт кишидан иборат қароқчилар тўдаси ҳам яшарди. Улар тунда йўловчиларни тунардди. Бир кун қароқчилар сардори заҳарли мевалар ҳақида эшитиб қолиб, ҳамтовоқларига дебди: — Шу кунгача эътибор бермаган эканмиз. Энди заҳарли мевалардан фойдалансак бўлади.

Шунда ёнидаги қароқчи сўради:

— Мулдагонгиз нима?

Тушунтирибқоқ гапиринг!

— Эй нодон, нега тушунмайсан, ахир?! Тунда йўловчиларни талаш жуда қийин. Одамлар заҳарли меваларни еса, бас, дарҳол ҳушидан кетади. Кейин эса, уларни осонликча тунашимиз мумкин. Уқдингми?

Сардорнинг гапини эшитган қароқчилар қувончдан сакрай бошлабди. Сўнгра хийлали режани амалга ошириш мақсадида дарахт ёнидаги панароқ жойга яшириниб олибди. Орадан бир неча кун ўтиб, шу ерда савдо қарвони тўх-

SIZ NIMA DEYSIZ?

Китоб мақтаниш учун ўқилмайди

Ислоҳ МАМАТҚУЛОВ, Тошкент кимё-технологиялари институти талабаси

Ҳар сафар қишлоққа борганда бобомнинг сўхбатини олишга ошиқардим. Сабаби менга ўзи ўқиган китоблар, ҳикоя ва ривоятлардан сўзлаб берарди. Мактаб давридаги китобхонлик кечаларини соғинч билан эсларди.

Бобомнинг айтишича, у пайтларда саводли одамлар кам, унинг устига, яхши китоблар ҳам танқис эди. Бир киши асар мутолаа қилса, ўнлаб одамлар завқланиб тинглаган. Айниқса, Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар"и нашр этилганида адабиёт ихлосмандалари ҳатто кенг меҳмонхоналарга сўғмай кетарди. Эраклар қатори

аёллар ҳам бу романи йиғлаб эшитгани ҳақида бобом кўп бора гапириб берган. Шу билан бирга, аждодларимиз маънавий озуқига бўлган эҳтиёжини наинки баъий асарлар, балки халқ достоналари, лапару айтимлар орқали ҳам қондирган.

Китоб — мўъжиза, унинг қадр-қиммати беқиёсир. Муқад-



дас китоблар қаршида ёлгон гапириб бўлмайди, гувоҳлик берувчилар китобга қўлини қўйиб, рост сўзлашга оин ичиди. Қолаверса, ушбу китобларни махсус жилдларга солиб, уйнинг тўрига қўйилиб, эҳтиётлаб келинади. Бундай муносабат замирида эъзозу эҳтиром мужжасам. "Боланинг бир қўлига нон беринг, бир қўлига

китоб", деган ҳикоятда китобнинг фарзанд тарбиясидаги ўрни янада яққол намоён бўлган, назаримда.

Бугунчи, биз, ёшлар аждодлардан қолган ана шундай қадриятга содиқми? Ота-боболаримиз ташналик билан қўлдан-қўлга бериб ўқиган китобларга ҳурмат кўрсата олаётми? Тўғри, ҳаммани ҳам китоб ўқимасликда айблаб бўлмайди. Аммо кўп ўқийман дейдиган ёшлар орасида ҳам қуруқ мактан-чоқлар бисёр. Сирдан қарасангиз, жуда билимдондек кўринади. Аммо бир-иккита саволдан кейин "мот" бўлиши аниқ. Баъзилар замондош ёзувчи шоирлар тугул, мумтоз адабиётимиз намоёндаларини ҳам яхши билмайди. Ижоди ҳақида-ку, гапирмасам ҳам қийинроқ савол берилса, дарров телефонини олиб, интернет саҳифаларини "варақлай" бошлайди. Бирон бир асарни тўлиқ шарҳлаб бера оладиганлари эса, камб.

Китобни ўзига ҳамроҳ қилиб олган инсоннинг фикрлаш доираси ҳамда дунёқароши кенгайди, ҳаётга, инсонларга муносабати ўзгача бўлади. Шундай экан, китобга мақтаниш учун эмас, маънавий юқалиш учун ошно бўлайлик.

MUTAXASSIS OGOH ETADI

Кўза кунда синади

Қураат АЗИЗОВ, "Бунёдор" стаиони ёнги хавфсизлиги инспектори, сержант

Кундалик ҳаётимизни оловсиз, электр энергиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Афсуски, ҳали-ҳануз хавфсизлик қондаларига қатъий амал қилишни ўрганмадик. Оқибатда, кўнгилсиз воқеалар рўй бермоқда.

Газ, кўмир ёқилмаган печларни яилда бир марта тозалаш керак. Фойдаланишдан олдин яроқчилигини, албатта, текширинг. Қиш мавсуми тугаши билан эса, эҳтиётлаб олиб қўйинг.

Синтетик кийимларни оловга ёки иситиш мосламаларига яқин жойда қуритиш мумкин эмас. Айрим уй жиҳозлари каучук ва пластмассадан тайёрланади. Биринчидан, улар ўзидан соғлиқ учун зарарли ҳид чиқаради. Шунинг учун хоналарни тез-тез шамоллатиб туриш лозим. Иккинчидан, ушбу материалларнинг ёниб кетишига зинҳор йўл қўйманг! Акс ҳолда, оловни ўчиришинг иложи бўлмайди.

Қўлбола жиҳозлардан умуман фойдаланмаслик керак. Қўза кунда эмас, кунда синади — барибир панд бериши аниқ. Унутманг, бизни хатардан ҳушёрлик ва хабардорлик асрайди.

Безътиборлик — асосий сабаб

Нуридин БУРҲОНОВ, Сергели тумани ЁХБ инспектори, сержант

Неча минг йилларки олов инсоннинг бекиннат хизматкори. Уямизни иситида, таомларимизни пиширади, чойимизни қайнатиб беради. Лекин безътибор қолсак, боримизни кулга айлантиради.

Сергели туманининг "Ўзгарин" мавзеси 1-уй, 60-хонадонда ёлғиз истиқомат қилувчи Рустам Емерсанов

қўлбола сув иситиш мосламасини узмасдан ухлаб қолган. Натияжада, кўчи ёниб чиқиб, қария оламдан кўз юмди. Агар тезкор гуруҳ вақтида етиб келмаганида тилсиз ёв қўшни хонадонларга ҳам зарар етказган бўларди. Ёнги хавфсизлиги қондаларининг бузилишига гувоҳ бўлганда ёки уларга амал қилиш борасида суст-қашликка йўл қўйилганда юқоридаги каби йўқотишларга сабабини бўлишимиз мумкинлигини ҳар дам ёдда тутайлик!

"Yoshlar ovozi" va "Molodёё Uzbekistana" gazetalarini jamoasi taхiriyat бош ҳисобчиси Отабек Эргашевнинг акаси Бобомурод ЭРГАШЕВНИНГ вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

МҲАССИС
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Қамолiddин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзаёнов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодёжь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодёжь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиева Зафар Хусанович
Абдуллаев Хуршид Уктамжонович
Навбатчи
Абдурахмон Жўраев

"YOSHLAR OVOZI"дан материалларни кўчириб босиш тахририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт. Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Магтобчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-89 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.
Индекслар: 203, 3203
Баҳоиси келишилган нарҳда.
Бўғим Г-236, Адаби — 28510
Босма табоқнинг оғирлиги — 21,00
Тиражи — 11,25
Ўқувчи — 10,40
Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Эфет усулда босилган.